

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУРХОНОВ ХУРШИД РАШИДОВИЧ**

**АСФАЛЬТ-БЕТОН ЗАВОДЛАРИДАН АЖРАЛИБ ЧИҚАДИГАН ЧАНГ-  
ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ**

**05.09.03 – Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш.  
Газ таъминоти ва ёритиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD)  
философии по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Бурхонов Хуршид Рашидович**

Асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиқадиган чанг-газларни тозалаш  
усулларини тадбиқ этиш..... 3

**Бурхонов Хуршид Рашидович**

Внедрение методов очистки пыли и газов, выделяемых с асфальтобетонных  
заводов..... 21

**Burkhanov Khurshid Rashidovich**

Implementation of methods for cleaning dust and gases separated from asphalt  
concrete plants..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.26/27.02.2020.Т.109.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУРХОНОВ ХУРШИД РАШИДОВИЧ**

**АСФАЛЬТ-БЕТОН ЗАВОДЛАРИДАН АЖРАЛИБ ЧИҚАДИГАН ЧАНГ-  
ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ**

**05.09.03 – Иссиқлик таъминоти. Вентиляция, кондиционерлаш.  
Газ таъминоти ва ёритиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2955 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samgasi.uz](http://www.samgasi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бобоев Собиржон Мурадуллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандаров Зафар Самандарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Қулмамат Юсупович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах политехника институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги PhD.26/27.02.2020.T.109.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 29 март соат 13<sup>00</sup> да СамДАҚУнинг кичик мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 140147, Самарқанд ш., Лолазор кўчаси, 70-уй. Тел.: (998 66) 237-18-47; факс: (998 66) 237-19-53, e-mail: [samgasi\\_atm@edu.uz](mailto:samgasi_atm@edu.uz).)

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№239 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140147, Самарқанд, Лолазор кўчаси, 70-уй. Тел.: (998 97) 315-44-50, e-mail: <http://arm.samgasi.uz/>.

Диссертация автореферати 2024 йил «11» 03 кунлари тарқатилди.  
(2024 йил «11» 03 даги 5 - рақамли реестр баённомаси.)



**А.Т.Халманов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф-м.ф.д., профессор в.б.

**Р.М.Махмудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Ғ.Ш.Шукуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.н., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда хавонинг ифлосланишини олдини олиш борасида, саноат корхонларидан чиқаётган чанг-газларнинг сиғимини камайтириш учун чанг-газ тутгич ускуналардан фойдаланиш кўламларини кенгайтириш, атмосферага ташланадиган чанг-газларни ушлаб қолиш, чанг-газларни тутиб қолувчи ускуналарнинг самарадорлигини ошириш ва улардан самаралари фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда саноати ривожланган кўплаб мамлакатларда «... дунё аҳолисининг 90 фоизи маълум даражада тоза бўлмаган ҳаводан нафас олади. Соғлиқ учун ёмон оқибатлари кенг бўлса-да, муаммони ҳал қилиш усули асосан тасодифий ёки эътибордан четда қолган»<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан ривожланган мамлакатларда саноат корхоналаридан атроф муҳитга чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни камайтиришда янги чанг-газ тозалаш ускуналар яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, такомиллаштирилган конструктив ечимларини ишлаб чиқиш ва муҳандислик ҳисоблаш усулларини илмий асослаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг энергия ва ресурс-тежамкорлигини таъминлаш ва хавони тозалаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда атмосфера ҳавосининг сифатини яхшилашда чанг-газ оқими ҳаракатланувчи қувур ва тозаловчи ускуналар сифатини яхшилаш, хусусан чанг-газ оқимини тозаловчи ускуна ва жиҳозлар самарадорлигини ошириш ҳамда конструкциясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, атмосферага ташланадиган чанг-газларни камайтиришда адсорбцион ва абсорбцион вазифасини бажарувчи ғовакли тўлдирувчи материаллардан фойдаланиш, филтрларни янги турларини яратиш, эскиларини модернизация қилиш, чанг-газ оқимини ўтказувчи қувурларни, вентиляция тармоқларини янгилаш, юқори самарада ишлайдиган ускуналарни яратиш ҳамда чанг-газ тозалаш ускуналарининг иш самарадорлигини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда чанг-газларни тозаловчи ускуналардан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, «2030 йилгача бўлган даврда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларда самарадорлиги 99,5 фоиздан паст бўлмаган қурилмалар ўрнатилишини таъминлаш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларидаги атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларнинг камида 30 фоизида 95 фоиздан паст бўлмаган самарадорликка эга чанг-газ тутгичлар яратиш, мавжудларини таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup>[https://mmi.fem.sumdu.edu.ua/sites/default/files/mmi2015\\_3\\_84\\_104.pdf](https://mmi.fem.sumdu.edu.ua/sites/default/files/mmi2015_3_84_104.pdf)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси о'ғ'рисida»ги PF-60-sonli farmoni

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли, 2023 йил 31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли фармонлари ва 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-171-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли чанг-газ тозалаш ва унинг манбаларни рўйхатдан ўтказиш, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни, шунингдек, чанг ва газларни ушлаб қолувчи қурилмаларни текшириш ва корхоналарнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш кўплаб хорижий ва юртимиз олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан, ушбу масалаларни ўрганишга хорижий ва МДХ мамлакатлари олимларидан Н.М.Сергина, В.Н.Учаев, В.Н.Азаров, В.А.Тимофеев, А.А.Русанов, Руденко К.Г., Б.Т. Донченко, А.В. Марков, Л.В.Ковалева, Н.И.Казнина, Е.К.Прохорова, Г.Г.Чуянов ва бошқаларнинг тадқиқотлари ўрганилган. Юртимиз олимларидан корхоналарда ифлосланган чанг ва газларни тозалаш, ишлаб чиқариш корхоналар ҳавосини мўтадиллаштириш, вентиляция тизимларини лойиҳалаш бўйича С.М.Бобоев, К.У.Бурлиев, Н.К. Жаманқулов, М.Р.Исманходжаева, М.Н. Мусаев, О. Қудратов, З.С. Искандаров, М.А.Ахмедова, Г.Ф. Келдиёровлар ва бошқа олимларнинг чанг-газ тозалаш ускуналарини тадқиқ этишга оид илмий тадқиқотларида ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда, мамлакатимиздаги асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиқадиган чанг-газларни тозалаш усулларини ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли асфальт-бетон заводларидан ҳавога ажралиб чиқадиган чанг-газларни замонавий ускуналар ёрдамида тозалаш ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг оптимал усулларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқот иши “Асфальт бетон ишлаб чиқариш заводлари” ҳамда (2019-2022 йиллар) Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг хўжалик шартномаси III-2/2019 фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиқадиган

зарарли моддалар миқдорини аниқлаш, чанг-газ тозалаш ускунасининг иш самарадорлигини ошириш ва чанг-газ тозалаш усулларини тадбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

асфальт-бетон заводларида технологик жараёнларни ва чанг-газ хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

асфальт-бетон заводлари ишлаб чиқариш цехида ҳаво қувурларида чанггаз оқимини аэродинамик параметрларини аниқлаш;

ҳаво қувурларида чанггаз оқими ҳаракатининг математик моделини ишлаб чиқиш;

энерготехжамкор ва юқори самарали чанг-газ тозалаш ускунасини конструктив ечимини яратиш ва янги яратилган ЧГТУ ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш;

чанг-газ тозалаш ускунасида ҳаво оқимидаги чанг-газларни тозалаш жараёнигача ва тозалашдан кейинги миқдорларини ва аэродинамик характеристикасини аниқлаш учун экспериментал синов ўтказиш;

атмосферага ташланадиган чанг-газлар миқдорини камайтириш, чанг тутгич ускунасининг самарадорлигини ошириш ва чанг тутгич ускунасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** Самарқанд вилоятидаги асфальт бетон ишлаб чиқариш корхоналарининг чанг газ тозалаш ускуналари.

**Тадқиқот предмети** асфальт-бетон ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар ва чанг газ тозалаш ускуналарининг иш режими ва чанг-газ тозалаш ускунаси ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида чанг тозалаш ускуналарининг параметрлари ва аэродинамикасини аниқлашнинг замонавий ўлчаш усуллари, қувурларда чанг-газ оқимининг ҳаракатини аниқлашда Рунге-Кутте усули ва ифлослантириш даражасини аниқлашда экспериментлар ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

атмосферага ташланаётган чанг-газларнинг миқдорини камайтириш ва чанг-газ тутгич ускунасининг самарадорлигини оширишда, ускуна фильтр қисмига адсорбер хусусиятли тўлдирувчи материалларни қўллаш орқали такомиллаштирилган;

ҳаво қувурларида ҳаракатланаётган чанг-газ аралашмасини тутиб қолиш самарадорлигининг оширилиши, чанг-газ оқимининг сиртга урилиш кучлари таъсирида пастга чўкиш жараёнининг тезлашишига боғлиқлигини математик модели ёрдамида аниқланган;

асфальт заводларда атмосферага ташланадиган ташламаларнинг миқдорини камайтиришда чанг-газларни тутиб қолувчи энергиятежамкор технологик ускуна яратилиши натижасида чанг-газ аралашмасини тутиб қолиш самарадорлиги 97,7 % га оширилганлиги исботланган;

чанг тутгич ускунасининг ушлаб қолиш самарадорлиги юқорилигига эришиш қўлланиладиган фильтр материалнинг хусусиятларига боғлиқлиги асосланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат;**

чанг-газларни тозалаш ускунаси яратилган ва ускуна самарадорлигини ошириш учун ғовак материаллардан фойдаланилган техник ечими ишлаб чиқилган.

асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиққан ва атмосферага ташланадиган чанг-газларни тозалаш самарадорлиги оширилганлиги ва ҳамда ҳаво таркибидаги чанг-газлар миқдорларининг рухсат этилган чегаравий миқдоридан ошмаслиги аниқланган.

чанг-газларни чанг-газ тутгич ускунаси ёрдамида тозалаш муаммосини ечишда, чанг-газ аралашмаси оқимининг физик механик параметрлари ва нам чанг-газ тозалаш ускунасининг юқори самарали турлари тўғрисидаги маълумотлар базаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлиги замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги билан таъминланганлиги ва тажрибаларнинг меъёр ва стандартлар асосида ўтказилганлиги, ишлаб чиқариш тажриба синови ва назарий тадқиқот натижаларининг бир хил шароитларда мутаносиблиги ҳамда ишлаб чиқарилган чанг-газ тозалаш ускунасининг ишлаб чиқариш корхонасида жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиқаётган чанг-газ аралашмаларини тозалаш ускунасида чанг-газ миқдорини камайтиришда, математик модел асосида ҳаво қувурларида ҳаво оқимини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилганлиги, чанг-газ тутгич ускунасининг филтрини такомиллаштириш орқали ускунанинг тутиб қолиш самарадорлиги ошланлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чанг-газ тозалаш ускунаси учун ишлаб чиқилган ғовак газ йутовчи керамзит ва вемикулит материаллардан фойдаланилган тозалаш ускунасида чанг-газни тозалашдан олдин ва кейин ҳаво оқимидаги босим йуқолиши ва иш самарадорлигини оширишда муҳандислик усуллари ёрдамида ҳисоблаш шунингдек, тозалаш ускунасининг конструктив ечимларини лойиҳалаш амалиётга тадбиқ қилиш натижасида чанг-газ тозалаш ускунасининг самарадорлиги ошишига хизмат қилиш билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиқадиган зарарли моддаларни чанг-газ тозалаш ускунасининг иш самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

Конструктив чанг-газ тозалаш ускунаси Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш УК асфальт-бетон заводида ишлаб чиқариш цехида синаб кўрилган (Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш УК нинг 06.08.2020 йилдаги 2020/06.08.470-сонли маълумотномаси ва далолатномаси), натижада асфальт ишлаб чиқариш цехи манбасидаги чанг-газ ушлаш ускунанинг тозалашдан олдинги 17,79 т/йил, тозалашдан кейинги 0,415 т/йил, янги яратилган ускунанинг тозалаш самарадорлигини 97,7 % га етказиш имконини берган.

чанг газ тутгич ускунанинг ушлаб қолиш самарадорлиги юқорилигига эришиш қўлланиладиган фильтр материалнинг хусусиятларига боғлиқлиги, натижада синов ўтказилган манбада чанг-газ миқдори 5,19 т/йилиги камайган, натижада атмосферага ташланадиган чанг-газ аралашмасини тутиб қолиш 10,6 % га ошириш, корхона учун 592,94 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг 05.01.2023 йилдаги 02-28 сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий иш натижалари, 3 та халқаро 4 та республика миқёсидаги илмий техник ва илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан фойдали модул патенти № FAP 02213.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Улардан 9 та илмий мақола, шу жумладан асосий диссертация натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 3 та хорижий, 6 та республика миқёсидаги журналларда мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослангани, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Асфальт-бетон заводларида тозалаш ускуналар ишини такомиллаштиришда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи-бобда Асфальт бетон заводлари ва уларнинг технологик жараёнлари ўрганиб чиқилди. Асфальт-бетон заводларидаги аспирация тармоқлари, вентиляция ва чанг тутгич ускуналарининг иш самарадорлиги бўйича чет эл етакчи илмий ходимлари ва Ўзбекистон олимларининг ишлари ўрганилди. Асфальт-бетон заводларининг технологик хусусиятлари ва чанг-газ аралашмаси ташламаларининг таҳлил қилинди. Асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиқадиган чанг ва газларни миқдорини аниқлаш, тозалаш ускуналарининг ишлаш самарадорлигини аниқлаш учун Ургут, Жомбой, Оқдарё, Пахтачи ва Самарқанд туман асфальт-бетон заводларида илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди. Асфальт-бетон заводларида чанг-газ ташламаларини тозалаш воситалари, чанг-газ тозалаш ускуналарининг турлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

**Ишчи гипотеза.** Асфальт бетон заводларидан ажралиб чиқадиган чанг-газли ҳаво аралашмаларидан газларни ғовакли сувли чанг-газ ушлагич қурилмаларнинг тозалаш самарадорлигини ошириш эҳтимоли фараз қилинади.


Муаммони ечиш ҳолатини хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар ва патент манбаларини таҳлил қилиш натижасида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг “**Асфальт-бетон заводлари ташламаларини тозалаш ускунасининг назарий тадқиқоти**” деб номланган иккинчи бобида чанггаз миқдорини ўлчаш усуллари, пневмометрик ўлчовлар ўтказиш, ўтказувчи қувурлар ва тозалаш ускуналарида ҳаракатланаётган чанггаз оқимининг тавсифи, чанггаз тутиб қолиш ускуналарида босимнинг йўқолиши ва қаршилиқ коэффициентини аниқланиши ва қаттиқ чанг заррачалар динамик таъсирини камайтиришда ҳаракат ва боғланишнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Асфальт бетон заводларида чанг-газ ушлаб қолиш ускуналарига йўналтирилган чанггаз оқимининг қувурларидаги ҳаракат жараёнида бўшлиқларда динамик таъсирни камайтиришда икки фазада чанг-газ оқими ҳаракати юзага келади.

Ҳар хил ўлчамдаги алоҳида чанг заррачаларнинг ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳаракатини, кўп заррачали оқим сифатида қараш мумкин .

Маълум ўлчамдаги чанг заррачаларини (икки фазали оқимда чангнинг газ оқимидан ажратиш мумкинлигини) аниқлашда бўшлиқдаги ҳаракат траекториясини аниқлаш керак бўлади.




**1-расм. Чанг-газ тутгичнинг ички қисмида чанггазни ҳаракат схемаси.**

Математик модел ёрдамида диаметри 0,5-3,0 ва 5,0-12,0 мкм гача бўлган чанг заррачалари учун  $\Delta v_x$  ни ҳисоблашда умумий хатолик 6,2 дан 1,4 % гача мумкин деб ҳисобланиши аниқланган.

Асфальт заводларидан чиқётган чанг-газ оқимини марказдан қочма чанг тутгич ёрдамида амалга оширилади. Бундай чанг ушлаб қолувчи мослама бир маромда ишлаши учун, чанг тутгичга кираётган заррача траекторияси ва параметрларини кўриб чиқиб, ҳаво оқимини ҳаракатланиш тезлигига боғлиқлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ишчи қисмга кираётган чанг заррачаларини кириш йўли координаталарини ва тезлигини бир хил деб олиб, заррачани чангдан тозаланиши ва деворга ўрилиш йўли қанчалик кўп бўлса, тозаланиш ҳам шунчалик юқори бўлади.

Чанг-газ тутгич ишлаши вақтини ҳам кузатиб борилди ва рационал ҳолатни танлаб олинди.



**2-расм.  $v_0=0$  бўлганда чанг-газ заррачаларини чанг-газ тутгич девори бўйлаб ҳар хил  $v_r$  ва  $v_\phi$  қийматларида ҳаракатланиш траекторияси**

Чанг-газ тутгичларда чанг заррачаларини ҳаракат траекторияси ва уларни массасига қараб босиб ўтган йўлини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Чанг-газ тутгичга кираётган ҳаво оқими чанг тутгични девори бўйлаб қанча кўп ҳаракат қилса, ундаги чанг заррачалари кўп ажралади, бундан ташқари келаётган ҳаво оқимини тезлигига ҳам боғлиқ. Бунинг учун  $Oz$  ўқини тепадан пастга вертикал йўналтирамиз, цилиндрик координата системасидаги заррача ҳолатини аниқлаймиз.

$$x = r \cdot \cos \varphi, \quad y = r \cdot \sin \varphi, \quad z = z$$

$r, \varphi, z$  координаталарини умумлашган координаталар деб қабул қиламиз ва 2-тур Лагранж тенгламасидан фойдаланамиз, яъни

$$\frac{d}{dz} \left( \frac{\partial T}{\partial \dot{r}} \right) - \frac{\partial T}{\partial r} = Q_r$$

$$\frac{d}{dz} \left( \frac{\partial T}{\partial \dot{\varphi}} \right) - \frac{\partial T}{\partial \varphi} = Q_\varphi$$

$$\frac{d}{dz} \left( \frac{\partial T}{\partial \dot{z}} \right) - \frac{\partial T}{\partial z} = Q_z$$

бу ерда:  $T$  – заррачани кинетик энергияси, у қуйидагига тенг

$Q_r, Q_\varphi, Q_z$  - умумлаштирилган кучлар:

$$T = \frac{1}{2} m (\dot{r}^2 + r\dot{\varphi}^2 + \dot{z}^2)$$

Умумлаштирилган кучларни аниқлашда заррачага таъсир этувчи ҳавонинг қаршилик кучини қуйидагича аниқлаймиз.

$$\vec{F} = F_r \cdot \vec{e}_r + F_\varphi \cdot \vec{e}_\varphi + F_z \cdot \vec{e}_z$$

бу ерда:  $F_r, F_\varphi, F_z$  - ўқлар бўйича ташкил этувчи кучлар.  $\vec{e}_r, \vec{e}_\varphi, \vec{e}_z$  - бирлик векторлар.

Агар  $\alpha, \beta, \gamma$  йўналтирувчи бурчак косинуслари бўлса, унда қуйидагиларга эга бўламиз.

$$F_r = |F| \cdot \cos \alpha, F_\varphi = |F| \cdot \cos \beta, F_z = |F| \cdot \cos \gamma$$

Ҳавони қаршилиги заррача тезлигининг квадратиغا пропорционал деб оламиз ( $v_r, v_\varphi, v_z$  ҳаво оқими тезлигини  $r, \varphi, z$  ўқлари бўйича проекциялари).

$$У \text{ ҳолда } |\vec{F}| = c \cdot \rho \cdot \frac{S_0}{2} [(v_r - \dot{r})^2 + (v_\varphi - r\dot{\varphi})^2 + (v_z - \dot{z})^2]$$

Координата ўқлари бўйлаб йўналган  $\vec{F}$  векторининг компонентлари қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади.

$$Q_r = F_r = \frac{c\rho S}{2} \cdot (v_r - \dot{r}) \cdot F_0$$

$$Q_\varphi = F_\varphi = \frac{c\rho S}{2} \cdot (v_\varphi - r\dot{\varphi}) \cdot F_0$$

$$Q_z = F_z = \frac{c\rho S}{2} \cdot (v_z - \dot{z}) \cdot F_0$$

$$\text{бу ерда: } F_0 = \sqrt{(v_r - \dot{r})^2 + (v_\varphi - r\dot{\varphi})^2 + (v_z - \dot{z})^2}$$

Юқоридаги формуладан  $T$  ва  $Q_r, Q_\varphi, Q_z$  лардан фойдаланиб  $r, \varphi, z$  ларни аниқлаш учун қуйидаги тенгламалар системасини ҳосил қиламиз.

$$\dot{r} = r \cdot \dot{\varphi}^2 + \frac{c \cdot S_0}{2 \cdot m} \cdot (v_r - \dot{r}) \cdot F_0$$

$$\ddot{\varphi} = -\frac{2\dot{r}\dot{\varphi}}{r} + \frac{c \cdot S_0}{2 \cdot m \cdot r^2} \cdot (v_\varphi - r \cdot \dot{\varphi}^2) \cdot F_0$$

$$\ddot{z} = \frac{c \cdot S_0}{2 \cdot m} (v_z - \dot{z}) \cdot F_0 + g$$

бу ерда:  $r$  - чанг заррачасини ишчи юзага кириш радиуси, м;

$\varphi$  - заррачани бурилиш бурчаги, рад;

$z$  - горизантал ўқ, м;

$v_r, v_\varphi, v_z$  - ҳаво оқимини ўқлар бўйича тезлиги, м/с;

$m$  - заррачани массаси, кг;

$g$  - эркин тушиш тезланиши, м/с<sup>2</sup>;

$c$  - заррачани олд томондаги қаршилик коэффиценти (ҳисоб китобда  $c \approx 0,65$ );

$S_0$  - заррачани таъсирлашиш юзаси  $m^2$ .

Тенгламалар системаси  $r = r_0$ ,  $z = z_0$ ,  $\varphi = 0$ ,  $\dot{r} = 0$ ,  $\dot{z} = 0$ ,  $\dot{\varphi} = 0$  бошлангич шартларда Рунге-Кутте усули билан сонли ечилади.

Бу тенгламалар системаси ечимидан фойдаланиб, чанг заррачаларини чанг тутгич деворига етиб келиш траекторияси аниқланди. Чанг заррачасини цилиндр сиртига етиш вақтини  $t=t_0$  билан белгилаб,  $t>t_0$  чанг заррачасини девор бўйлаб ҳаракатини дифференциал тенгламасини ҳосил қиламиз.

$$\ddot{\varphi} = c \cdot \frac{\rho S_0}{2r^2 \cdot m} (\nu_\varphi - r\dot{\varphi}) \cdot F_1 - f \cdot \frac{\rho S_0}{2mr^2} \cdot \nu_r \cdot \frac{r\dot{\varphi}}{\sqrt{r^2\dot{\varphi}^2 + \dot{z}_2^2}}$$

$$\ddot{z} = c \cdot \frac{\rho S_0}{2 \cdot m} (\nu_z - \dot{z}) \cdot F_1 - f \cdot \frac{\rho S_0}{2 \cdot m} \cdot \nu_r \cdot \frac{\dot{z}}{\sqrt{r^2\dot{\varphi}^2 + \dot{z}_2^2}}$$


бу ерда:  $F_1 = \sqrt{(\nu_\varphi - r\dot{\varphi})^2 + (\nu_z - \dot{z})^2}$

Тенгламалар системасини биргаликда электрон ҳисоблаш дастуридан фойдаланиб ҳисоблаймиз, чанг тутгичга кираётган ҳаво оқимини умумий тезлиги  $\nu_0 = \sqrt{\nu_z^2 + \nu_\varphi^2 + \nu_r^2}$  м/с га тенг деб, ўқлари бўйича чанг тутгич ишчи қисмига перпендикуляр (яъни цилиндр ички ён сиртига  $\nu_0=0$  м/с) бўлганда, чанг тутгичга кираётган чангли ҳаво оқими қанча вақтда, қандай тезликда деворга тегишини ва унда қанча вақт бўлишини аниқлаймиз.

Ушбу ишда дастур ёрдамида элементар математика формулаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб - китоб ишлари бажарилди. Бундан ташқари дифференциал тенгламани ечиш учун стандарт усул ёрдамида ҳисоб - китоб ишлари бажарилди. Ҳисоб китоб ишларини бажариш орқали электрон версиясидан фойдаланиб махсус дастур тузилди.


Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, агар чанг-газ тутгичга кираётган чанг-газ қувури горизонтга нисбатан  $\alpha = 20^\circ$  бўлса, атмосферага чиқаётган чанг-газ концентрацияси 40÷60% гача камайишига эришилади. Ушбу ҳолат чанг заррачаларини тезлигини кескин пасайишига таъсир қилади.

Заррачаларнинг ҳаракат графиклари ( 3, 4, 5 нинг а,б) - расмларда келтирилган.




а)  $xz$  ўқи бўйича; б)  $yz$  ўқи бўйича;  
 $\delta = 0,5$  мкм;  $\delta = 1,0$  мкм;  $\delta = 2,0$  мкм;

**3-расм. Чанг-газ оқимини ўтказувчи қувурдаги чанг-газ заррачаларининг ҳаракатланиш графиги**



а)  $xz$  ўқи бўйича; б)  $yz$  ўқи бўйича;  
 $\delta = 2,5$  мкм;  $\delta = 3,0$  мкм;  $\delta = 4,0$  мкм;

**4-расм. Чанг-газ оқимини ўтказувчи қувурдаги чанг-газ заррачаларининг ҳаракатланиш графиги**



а)  $xz$  ўқи бўйича; б)  $yz$  ўқи бўйича;  
 $\delta = 5,0$  мкм;  $\delta = 10,0$  мкм;  $\delta = 12,0$  мкм;


**5-расм. Чанг-газ оқимини ўтказувчи қувурдаги чанг-газ заррачаларининг ҳаракатланиш графиги**

Диссертациянинг “Асфальт-бетон заводларида чанг-газ тозалаш ускунаси самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот усуллари” деб номланган 3-бобида, илмий тадқиқот ишлари олиб борилган асфальт бетон ишлаб чиқариш заводи ишлаб чиқариш цехида мавжуд чанггаз тозалаш ускуналаридан атмосфера ҳавосига чанг ташлаётган манбаларда тизимли равишда таҳлиллар олиб олиб борилди. Олиб борилган таҳлиллар натижасида корхона асфальт бетон ишлаб чиқариш цехида ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўлган ва атмосферага ташланган чанглarning миқдори оғирлик усулида аниқланди ва рухсат этилган миқдори (РЭМЧ)га солиштирилди.  $\eta = (M_{\text{ийф.1}} - M_{\text{ийф.2}}) / M_{\text{ийф.1}} * 100 \%$


Олинга таҳлиллар ва ўтказилган ўлчов ишлари ва натижалари 1-жадвал ва б - расмда келтирилган.

## Ўлчов натижалари

Т/р	Намуна олинган манба номи ва рақами	Ифлослан тирувчи модда турлари	Чанг миқдори, г/с	Чанг тутғич ускунасининг самарадорлиги, %
1	Асфальт и/ч цехи №6 манба тозалашгача тозалашдан сўнг	Ноорганик чанги	0,46 0,052	88,7
2	№7 манба тозалашгача тозалашдан сўнг	Ноорганик чанг	1,43 0,124	91,3
3	№8 манба тозалашгача тозалашдан сўнг	Ноорганик чанг	1,26 0,112	91,1




6-расм. Асфальт ишлаб чиқариш цехидаги манбаларда чанг аралашмаси миқдорининг ўзгариши



7-расм. “Самарқанд йўллардан мунтазам фойдаланиш” УК асфалт-бетон заводида ишлаб чиқариш цехига ўрнатилган чанггаз тутиш ускунаси схемаси.

1 – сув пуркагич форсунка; 2 - керамзит; 3 – вермикулит; 4 – сув йиғувчи идиш ; 5 – тоза хаво қузури; 6 - сув узатиш қузури; 7 - тиргаклар; 8 - қўйқали сувни чиқариш қузури ; 9 - сув йиғувчи идиш; 10 - насос;

Чангли газ ҳаво канали орқали кириб, чанггаз тутгичнинг керамзитли кассетаси 2 дан ўтиб, қисман тозаланиб, вермикулитли кассета камерасига 3 киради. Бу ерда чанг-газ тутиб қолиниб, тозаланиш коэффиценти ўзгарган ҳолда ҳаво канали 5 ўтиб атмосферага ташланади. Чанг-газ ҳаводан ажралиб чиққан заррачалари чиқинди сув идиши 4 га тушади, йигилган чиқиндилар сув билан бирга насос 10 орқали олиб чиқилади. Қўйқали сувни чиқариш 8 орқали чиқариб юборилади. Самарадорликни баҳолаш ускунанинг чиқиш жойидан олдин ва кейинги чангни таққослаш асосида ўтказилди.



**8-расм. Тажриба - синов ускунаси схемаси.**

1 - чангли газни кириши; 2 - микроанометр; 3 - чанг ўлчаш трубкаси; 4 - чанг йиғиш трубкаси; 5 - АФА филтр тутгич; 6 - аспиратор; 7 - термометр; 8 - керамзитли кассета; 9 - сув пуркагич; 10 - вермикулитли кассета; 11 – тозаланган ҳаво; 12 - сув идиш; 13 - насос; 14 - ускуна тиргаги. 15-оқова оқизиш трубази. 16-газанализатор УГ 2.

Синовдан ўтказилган чанг-газ тутиб қолувчи ускунада филтр сифатида тўлдирувчи материаллар керамзит ва вермикулитдан фойдаланилди.

Чанг-газ оқими тезлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V = \frac{\sqrt{2P_d}}{\rho}, \text{ м/с}$$

Бу ерда  $P_d$  – чанг оқимининг босими,  $\rho$  – чанг аралашмасининг зичлиги.

Шунингдек, чанг тозалаш жараёнида микроанометр кўрсаткичларини аниқлаб олган ҳолда, микроанометрдан 3 марта олинган босим кўрсаткичлари ( $P=11,40; 9,50; 9,01$ ), зичлик қуйидагига тенг,  $\rho = 0,83$ .

Чанг-газ аралашмасининг тезлиги қуйидагича ҳисобланди:

$$V_1 = \sqrt{2 \cdot 11,40} / 0,83 = 5,2 \text{ м/с}$$

$$V_2 = \sqrt{2 \cdot 9,50} / 0,83 = 4,8 \text{ м/с}$$

$$V_3 = \sqrt{2 \cdot 9,01} / 0,83 = 4,6 \text{ м/с}$$

$$V_{\text{ўрт}} = 4,8 \text{ м/с}$$

Манба кўндаланг кесим юзаси қуйидагига тенг:

$$F = \frac{\pi * D^2}{4} = \frac{3,14 * 0,8^2}{4} = 0,502 \text{ м}^2$$

Ҳаво қувурдан ташланаётган чанг-газ аралашмасининг ҳажмини қуйидаги тенг:

$$Q = V_{\text{ўрт}} * F * 0,96 = 4,8 * 0,502 * 0,96 = 2,4 \text{ м}^3/\text{с}$$

0,96 тўғрилаш коэффициентини.


Аспиратор ёрдамида чангнинг ҳаво таркибидаги улуши ва вақт бирлиги ичидаги миқдори:

$$V_{\text{ч}} = 10 \text{ л/мин} * 5 \text{ мин} = 50 \text{ литр} = 0,05 \text{ м}^3$$


$$V_0 = 0,05 * 0,96 = 0,048 \text{ м}^3$$

$$C = \frac{\Delta Q}{V_0}, \text{ мг/м}^3 \quad C_1 = \frac{2,0}{0,048} = 41,6 \text{ мг/м}^3$$

$$C_2 = \frac{2,4}{0,048} = 50,1 \text{ мг/м}^3 \quad C_3 = \frac{1,8}{0,048} = 37,5 \text{ мг/м}^3 \quad C_{\text{ўрт}} = 41,6 \text{ мг/м}^3$$



9-расм. Ишлаб чиқариш цехида чанг-газ аралашмаси тозалашгача ва тозалашдан кейинги графиги



10-расм. Тозалашдан олдинги ва кейинги чанг-газ аралашмаси тезлигининг сиғимга боғлиқлиги

Асфальт заводида чанг-газ тутғич ускунаси орқали ушлаб қолинган чанг миқдори ва чанг-газушлаш самарадорлиги қуйидагича аниқланди.

Манба параметрлари: баландлиги Н=18м, кўндаланг кесим юзаси Д=0,8 м.

Ўлчаш вақтида атмосфера ҳавосининг босими 732 мм.сим.уст.га тенг бўлган. Чанг-газ тутгич ускунасига киришда ҳаво сўргичдаги босим 5,8 мм.сим.уст., ҳарорат 24 °С ни ташкил этган. Чанг-газ тутгич ускунасида тўлик тозаланмаган чангларни тутиб қолади. Чанг-газ тутгич ускунасига киришдаги чанг аралашмасининг тезлиги  $V_1 = 4.8$  м/с, чангнинг сифими  $C_1 = 1780,64$  мг/м<sup>3</sup> га тенг бўлган. Чанг-газ аралашмасининг сарфи қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$W_1 = \pi * D^2/4 * V_1 = 3,14 * 0,8^2/4 * 4,8 = 2,41 \text{ м}^3/\text{с}.$$

Чангнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\text{сек.1}} = W_1 * C_1 * 10^{-3} = 2,41 * 1780,64 * 10^{-3} = 4,29 \text{ г/с}.$$

Чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\text{йиф.1}} = M_{\text{сек.1}} * T * 3600 * 10^{-6} = 4,29 * 1152 * 3600 * 10^{-6} = 17,79 \text{ т/йил}$$

Чанг-газ тутгич ускунасидан чиқишда босим 7,6 мм.сим.уст., ҳарорат 24 °С. Тезлиги  $V_2 = 4,8$  м/с, сифими  $C_2 = 41,6$  мг/м<sup>3</sup> га тенг бўлган. Чанг аралашмасининг сарфи қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$W_2 = \pi * D^2/4 * V_2 = 3,14 * 0,8^2/4 * 4,8 = 2,41 \text{ м}^3/\text{с}$$

Чанг-газнинг вақт бирлиги ичидаги миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\text{сек.2}} = W_2 * C_2 * 10^{-3} = 2,41 * 41,6 * 10^{-3} = 0,100 \text{ г/с}$$


Чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:




$$M_{\text{йиф.2}} = M_{\text{сек.2}} * T * 3600 * 10^{-6} = 0,100 * 1152 * 3600 * 10^{-6} = 0,415 \text{ т/йил}.$$

Чанг-газ тозалаш ускунасининг ушлаб қолиш самарадорлиги қуйидагига тенг бўлди:  $\eta = (M_{\text{йиф.1}} - M_{\text{йиф.2}})/M_{\text{йиф.1}} = (17,79 - 0,415)/17,79 * 100 = 97,7\%$



**11-Расм. Тозалашдан олдинги ва кейинги чанггаз аралашмасига ускунанинг самарадорлиги**





## 12-Расм. Чанггаз аралашмаси тозалашдан кейинги ускунанинг самарадорлиги

Тадқиқот натижалари бўйича асфальт бетон заводида атмосфера хавосига ташланадиган ноорганик чангнинг миқдори битта манбада йилига 3,19 тоннага камайган, тозалаш самарадорлиги 9,7 % га ошган ва жами 587,6 миллион сўм иқтисодий самарадорлик берган. Ускуна таннархи бўйича

иқтисодий самарадорлик 5,34 миллион сўмни ташкил қилади. Умумий ҳисобланганда корхонада 592,94 миллион сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

## ХУЛОСАЛАР

“Асфальт-бетон заводларидан ажралиб чиқадиган чанг-газларни тозалаш усуллари тадбиқ этиш” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Асфальт-бетон заводларининг технологик жараёнлари, чанг газ ташламаларини тозалаш ускуналар, чанг газ тозалаш ускуналарининг турлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

2. Ҳаво қувурларда ҳаракатланаётган чанг-газ аралашмаси сиртга урилиш кучлари таъсирида пастга чуқиш жараёнида тозалашни ва математик модел асосида майда ўлчамдаги чанг заррачалари тезлиги  $\Delta v_x$  ни ҳисоблашда умумий хатолик 6,2 - 1,4 % гача эканлиги аниқланди ва техник ҳисоблашларда бу йўл қўйилиши мумкин деб ҳисобланади. Ўлчами  $\delta = 0,5-3,0$  мкм ва  $\delta = 5,0-12,0$  мкм бўлган чанг заррачалари учун математик модел ёрдамида ҳаракат траекторияси аниқланди.

3. Атмосферага ташланадиган чанг-газларни ушлаб қолиш самарадорлигини оширишда энерготежамкор конструктив чанг-газ тутиш ускунасини конструктив ечими ишлаб чиқилди.

4. Янги яратилган иккинчи босқичли чанг-газ тозалаш ускунаси Жомбой, Ургут, Оқдарё, Пахтачи ва Самарқанд туман асфальт-бетон заводларида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди.

5. Асфальт заводи ишлаб чиқариш цехида атмосферага чанг-газ оқимини чиқарувчи манбаларда чанг-газ оқимининг вақт бирлиги ичидаги ва йиллик миқдорлари аниқланди. Ўлчанган ва аниқланган чанг оқимининг параметрларидан фойдаланиб, асфальт ишлаб чиқариш цехи манбасидаги чанг-газ ушлаш ускунасининг тозалашдан олдинги ва кейинги самарадорлиги аниқланди.

6. Яратилган ва синовдан ўтказилган чанг-газ тутиб қолиш ускунасининг самарадорлиги 97,7 % га тенглиги аниқланди.

7. Асфальт заводи ишлаб чиқариш цехига янги ускуна ўрнатиш орқали атмосферага ташланадиган чанг-газ чиқарувчи битта манбада чанг-газни ушлаб қолиш самарадорлиги 9,6 фоизга ошганлиги, чанг-газ миқдори 5,19 тоннага камайишига эришилди ва корхона ишлаб чиқариш цехига янги ускуна ўрнатиш орқали атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўланадиган компенсация тўлов миқдорини 587,6 млн. сўмга камайтириш, ускуна таннари бўйича 5,34 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилганлиги кўрсатиб берилди. Умумий ҳисобланганда корхонада 592,94 миллион сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.26.02.2020.Т.109.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**БУРХОНОВ ХУРШИД РАШИДОВИЧ**

**ВНЕДРЕНИЕ МЕТОДОВ ОЧИСТКИ ПЫЛИ И ГАЗОВ,  
ВЫДЕЛЯЕМЫХ С АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ ЗАВОДОВ**

**05.09.03 – Теплоснабжение. Вентиляция, кондиционирование. Газоснабжение и  
освещение**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2022.2.PhD/T2955.**

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdu.uz](http://www.tdu.uz)) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Бобоев Собиржон Муродуллаевич,**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Искандаров Зафар Самандарович**  
доктор технических наук, профессор  
**Абдуллаев Кулмамат Юсупович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Джизакский политехнический институт**

Защита диссертации состоит 29 март 2024 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.26.02.2020.T.109.01 при Самаркандском государственном архитектурно-строительном университете. (Адрес: 140147, г. Самарканд, улица Лолазор, №70. Тел.: (+99866) 237-18-47, факс: (+99866) 237-19-53, e-mail: [samgasi\\_atm@edu.uz](mailto:samgasi_atm@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного архитектурно-строительного университета (зарегистрирован №239). Адрес: 140147, г. Самарканд, ул. Лолазор, 70. Тел.: (+99897) 315-44-50, факс: e-mail: [http:// arm.samgasi.uz/](http://arm.samgasi.uz/).

Автореферат диссертации разослан «11» 03 2024 года.  
(реестр протокола рассылки № 5 от «11» 03 2024 года).



*A. T. Xalmanov*  
Заместитель председателя научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., и.о. профессор

*R. M. Maxmudov*  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

*G. Sh. Shukurov*  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
к.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В целях предотвращения загрязнения атмосферного воздуха в мире, снижения мощности выбросов пыли и газов, выходящих с промышленных предприятий, особое значение придается вопросам расширения применения пылегазоулавливающего оборудования, улавливания пыли и газов, выбрасываемых в атмосферу. Повышение эффективности пылегазоулавливающего оборудования и эффективное их использование. Сегодня во многих промышленно развитых странах «...90 процентов населения планеты дышит воздухом, который в той или иной степени не является чистым»<sup>1</sup>. В связи с этим, в том числе создание нового оборудования для снижения выбросов загрязняющих веществ промышленными предприятиями развитых стран, совершенствование существующих, разработка усовершенствованных конструктивных решений и научное обоснование методов инженерного расчета, обеспечение энерго- и ресурсосбережения их внедрения в производство, и повышению эффективности очистки воздуха.

В целях улучшения качества атмосферного воздуха в мире проводятся научные исследования, направленные на повышение качества перемещения труб и очистного оборудования пылегазовых потоков, в частности, повышение эффективности и конструкции устройств очистки пылегазовых потоков и оборудование. В этом направлении, в том числе, применение пористых наполнителей, выполняющих адсорбционные и абсорбирующие функции по снижению выбросов пыли и газов в атмосферу, создание новых типов фильтров, модернизация старых, обновление пылегазопроводных труб, вентиляционных сетей. Создание высокоэффективного пылегазоочистного оборудования, повышение эффективности очистного оборудования считается одной из актуальных задач.

В нашей республике принимаются широкие меры по проведению исследований и внедрению новых технологий, которые будут способствовать повышению эффективности и широкому использованию пылегазоочистного оборудования. В новой стратегии развития Узбекистана на период 2022-2026 годов определены важные задачи «обеспечить установку устройств с КПД не менее 99,5 процентов на стационарных источниках загрязнения атмосферного воздуха до 2030 года»<sup>2</sup>. Создать пылегазоуловители с эффективностью не ниже 95% не менее чем в 30% стационарных источников загрязнения атмосферного воздуха на производственных объектах, действующих при реализации этих задач, становится важным проведение научных исследований в области обеспечения.

Согласно указу Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», 31 мая 2023 года «Меры по преобразованию сферы экологии и охраны окружающей

---

